*Адл ила олам юзини обод қил*

# Куч–адолатда

2021 йил
18 июнь,
жума
№ 26 (851)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

## МЕҲНАТИМИЗ, ИЛМИМИЗ ВА ҲАРАКАТИМИЗ БИЛАН АНДИЖОН КЕЛАЖАГИНИ ҚУРАМИЗ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, истиқболдаги режаларни белгилаш мақсадида 17 июнь куни Андижон вилоятига келди.***

Избоскан туманининг Кўғай маҳалласи — энг чекка ҳудудлардан бири. Иқтисодий имкониятлар натижасида қишлоқларга ҳам саноат кириб бормоқда. Бу аҳолини иш билан таъминлашда жуда муҳим.

Яқинда ушбу маҳаллада "Соҳиб омад баракаси" кластери томонидан "And gold" тикув-трикотаж корхонаси ишга туширилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур фабрика фаолияти билан танишди.

Қиймати 2 миллион 500 минг доллар бўлган лойиҳа доирасида янги бино қурилиб, замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. Корхона йилига 3 миллион 500 минг дона тайёр трикотаж ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотларни 100 фоиз экспортга йўналтириш режалаштирилган. Бу борадаги йиллик имконият 5 миллион доллардан зиёд. Калава ип етказиб бериш бўйича Хитой ва Россия билан шартнома тузилган.

Корхонада ҳозирча 830 нафар хотин-қиз ишли бўлди. Президентимиз улар билан суҳбатлашди.

— Сизларга ўзимнинг ҳурматимни, муҳаббатимни билдираман. Ўзларингиз яшайдиган қишлоқда ишли бўлганларингиздан хурсандман. Қачон Избосканда мана шундай замонавий корхона бўлган? Бу ишларни яна давом эттирамиз. Хотин-қизларимиз учун ҳамма шароитларни яратамиз. Аёл ишли бўлиб, кайфияти яхши бўлса, оиласи ҳам бахтли бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мазкур корхона тўрт ойда қуриб битказилган. Фабрика тўла қувватга чиққанда, чекка ҳудуддаги 1 минг 200 нафар киши доимий иш билан таъминланади.

Ўз қишлоғида иш билан таъминланган хотин-қизларнинг дил изҳорини корхона ишчиси Нозима Ҳакимова Президентимизга етказди:

— Мен шу юртнинг бахтли аёлиман. Оилам тинч, фарзандларим соғ-саломат. Қишлоқда ҳамма шароитга эга корхонага ишга жойлашдим. Чекка қишлоқлар аҳолисини даромад билан таъминлаш бўйича ислоҳотларни амалга оширяпсиз. Бундан одамлар хурсанд, — деди у.

"Соҳиб омад баракаси" кластери 8 минг гектар ерда пахтачилик билан шуғулланади. Кластернинг калава ип ва мато тўқиш корхоналари бор. Келгусида Андижон туманида яна битта тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи фабрика, Шаҳрихон туманида бўяш цехини ишга тушириш режалаштирилган.

Шу ерда Андижон вилоятида саноат тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тақдимот қилинди.

Давлатимиз раҳбари Пахтаобод туманидаги инновацион иссиқхонани кўздан кечирди.

Инновационлиги шундаки, бу жой илгари тош-шағал карьери бўлган. Ердан унумли фойдаланиш сиёсати натижасида у экинзорга айлантирилди. "Мега агро" масъулияти чекланган жамияти бу ерда Испания технологияси асосида иссиқхона барпо этди.

Бу технологияда экин полиэтилен қувурчалар орқали суғорилади. Энг муҳими, сув исроф бўлмайди, доимий айланиб туради.

Тадбиркор учун 16 гектар ер ажратилган. Шундан 6 гектарида очиқ ва ёпиқ иссиқхона ташкил этилган. Яна 2 гектарда Туркия ва Испаниядан олиб келинган замонавий ускуналар ўрнатилмоқда.

Иссиқхоналарда "Айсберг" карами, помидор, бодринг, уларнинг кўчатлари ва ҳар хил кўкатлар етиштирилади. Уларни юртимиз бозорларига етказиб бериш, шунингдек, йилига 1 миллион 500 минг долларлик экспорт қилиш режалаштирилган. Корхонада 100 та иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбари Андижонда металл конструкциялар корхонаси ташкил этиб, четдан сотиб олинаётган материалларни маҳаллийлаштириш, хусусан, иссиқхона деталларини ишлаб чиқариш бўйича топшириқ берди. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти вилоятда аграр соҳани инновацион ривожлантиришга акселератор бўлиши кераклиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Избосканда туманидаги "Рустамжон Замин ривожи" фермер хўжалиги даласида ғалла ҳосилини кўрди.

Хўжаликда 55 гектардан зиёд ерга буғдой экилган. Унинг ҳар гектаридан 72 центнердан зиёд ҳосил олиш кутилмоқда. Шундан 177 тонна давлат ресурслари учун сотилади, 225 тонна ўз ихтиёрида қолади.

13 гектарда ёмғирлатиб суғориш жорий қилинган. Ғалладан бўшаган майдон такрорий экин экиш учун 200 нафар аҳолига ажратиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ғалланинг нави, ҳосилдорлиги билан қизиқди.

— Ғалла ҳосилдорлигини 100 центнерга чиқариш чораларини кўриш керак. Шунда фермернинг ҳам, ишчиларининг ҳам даромади ошади. Даромади кўпайса, фермер илмга эътибор беради, янгича ишлашга ўтади, қўни-қўшнисига, ёшларга фойдаси тегади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда вилоят фермерлари, ёшлар вакиллари билан мулоқот бўлди.

— Бугун Андижонга келишимдан мақсад одамлар ислоҳотларнинг фойдасини сезяптими, рўзғорида ўзгариш бўлдими, халқни рози қилиш учун яна нималар қилиш керак, деган саволларга жавоб топиш, — деди Президент. — Юриб кўряпман, албатта, ўзгариш бор. Лекин бу бизни қониқтирмайди. Янада кўпроқ ишчи жойлар, маҳаллаларда шароитлар қилишимиз керак.

Учрашувда қишлоқларда саноатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хонадонларда паррандачилик, томорқачиликни кенгайтириш масалалари ҳақида сўз борди.

— Ислоҳотларнинг кучи — маҳаллада, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Избоскан туманидаги Урганжи маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти билан танишди.

Маҳаллада 3 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу йил 915 ўринли умумтаълим мактаби таъмирдан чиқарилди. Барча кўчалар обод бўляпти. Ўнлаб кичик бизнес субъектлари аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Дастур бўйича гузардаги бино қайта реконструкция қилиниб, оталар чойхонаси, озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, "Street Workout" спорт майдончаси, "Рақамли маҳалла" IT-маркази бунёд этилди. IT-марказида болалар компьютер саводхонлиги, киберспорт, дастурлаш каби амалларни бажаришни ўрганяпти.

Одамларнинг ўзи ҳам ҳунарманд, миришкор. Жумладан, деҳқончилик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларга 10 сотихдан ер ажратиляпти. Маҳалладаги 150 та хонадонга 50 тадан парранда берилиб, ўзини ўзи банд қилиши таъминланган.

Шавкат Мирзиёев шу ерлик Қурбонали Ўринбоев хонадонида бўлиб, яшаш шароитини кўздан кечирди. Маҳалла вакиллари билан дилдан суҳбат бўлди.

— Энди ҳар бир хонадоннинг имкониятидан келиб чиқиб, бизнес-режа ёзиб берилади. Давлат ташкилотлари шароит яратади. Ҳозирги замонга муносиб бўлиб, меҳнат қилмасак, ниятимизга етолмаймиз. Худонинг ўзи меҳнатга, ҳаракатга яраша ажрини беради, — деди Президент.

Нуронийлар юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тилаб, дуо қилди.

Аҳоли зич жойлашган Андижон вилоятида уй-жой масаласи долзарб. Шу боис Президентимиз вилоятга аввалги ташрифи чоғида Андижон туманидаги адирликларда янги шаҳар қуриш ташаббусини илгари сурган эди.

Шундан сўнг туркиялик мутахассислар билан биргаликда лойиҳа ишлаб чиқилиб, шу йил 12 апрель куни тақдимот қилинган эди. Давлатимиз раҳбари уй-жойларни пухта лойиҳалаштириш, ҳудудда кўпроқ боғ ва хиёбонлар ташкил этиш бўйича топшириқлар берганди.

17 июнь куни ушбу янги шаҳар қурилишига тамал тоши қўйиш маросими бўлди. Унда нуронийлар, ёшлар, жамоатчилик фаоллари иштирок этди.

Президентимиз бу қурилишни халқимиз бунёдкорлигини намоён этадиган тарихий воқеа деб атади.

— Андижондаги уй-жой муаммосини ҳал қилиш учун икки-уч йилдан бери ўзимни қийнайман. Чунки ер кам, уйларга талаб йиллар давомида тўпланиб қолган эди. Бир хонадонда бир нечта келин қайнонаси билан яшаётган оилалар кўп. Шунинг учун узоқни ўйлаб, янги шаҳар қуришга киришдик. Бу ерда 130 мингдан ортиқ хонадонли кўп қаватли уйлар барпо этилади, 450 мингдан зиёд аҳоли яшайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Умумий майдони 4 минг гектар бўлган янги шаҳарнинг 2 минг гектар қисмида уй-жойлар, ижтимоий объектлар, саноат зоналари, хизмат ва сервис объектлари қурилади. Президентимизнинг кўрсатмасига мувофиқ, яна қарийб шунча майдонда яшил ҳудуд барпо этилади.

Янги шаҳар лойиҳаси 8 та босқичда амалга оширилади. Унинг коммуникация тармоқларини бошлаш учун жорий йилда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион доллар ажратилади. Бунда 33 километр ичимлик суви тармоғи, 52 километр автомобиль йўли, 18 километр электр ва 27 километр газ тармоқлари қурилади.

Биринчи босқичда 3 минг 310 та квартирали 170 та кўп қаватли уй-жой, 1 минг 680 ўринли мактаб, 385 ўринли боғча, 200 қатновли поликлиника қурилади. Шаҳар қурилиши даврида 10 мингдан ортиқ, кейин эса саноат, савдо, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳаларида жами 100 мингга яқин доимий иш ўринлари яратилади.

Давлатимиз раҳбари Андижон Заҳириддин Муҳаммад Бобур вояга етган замин экани, андижонликлар билими ва матонати билан катта ишларга қодирлигини таъкидлади.

— Бугун мана шундай улкан бунёдкорлик ишларига киришар эканмиз, аввало мард ва олижаноб халқимиз қудратига, аждодларимизнинг бой билими ва тажрибасига, меҳнаткаш, бир сўзли ва танти Андижон аҳлининг азму шижоатига суянамиз. Меҳнатимиз, илмимиз ва ҳаракатимиз билан Андижон келажагини қурамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан сўнг Президентимиз янги шаҳар қурилишига тамал тоши қўйди.

— Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Шу кунларга етганимизга шукр. Умид қиламанки, Янги Андижон халқимиз бахтли, фаровон яшайдиган обод маскан бўлади. Бу тарихий воқеа билан, хайрли маросим билан бутун Андижон ҳалқини чин юракдан табриклайман, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Маросимда меҳнат фахрийлари, қурувчилар сўзга чиқди.

Қиёслаш учун мисол: Андижон вилояти бўйича 2016 йилгача 4 минг 846 та оила учун якка тартибдаги бир-икки қаватли уйлар қурилган. Охирги 5 йилда эса 11 минг квартирали кўп қаватли ҳамда 4 минг 400 та якка тартибдаги уйлар қурилди. Жорий йилда 6 минг 346 хонадонли 271 та кўп қаватли, шунингдек, ипотека асосида 2 минг 500 та якка тартибдаги уйлар барпо этилмоқда.

Тўқимачилик саноати Андижон вилоятидаги "драйвер" соҳалардан. Бугун бу ерда 700 га яқин шундай корхоналар фаолият юритмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

**Сайлов — ҳар бир мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий муҳитни белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам ушбу сиёсий жараённинг ҳуқуқий асослари яратилди. 2019 йилда Сайлов кодексининг қабул қилингани бу борада янги даврни бошлаб берди.**

*Сайлов қонунчилиги*

## Муҳим сиёсий жараён

*мамлакатимиз сайлов тизимининг ўзига хос хусусиятлари*



Сайлов кодекси сайловларнинг умумэътироф этилган **халқаро меъёр ва тамойилларга** жавоб берадиган демократик сайлов тизимига асос солди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сайлов қонунчилигимизни халқаро мезонларга мувофиқлаштириш орқали такомиллаштириш, мамлакатимизнинг сиёсий нуфузини янги босқичга кўтариш, халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини янада яхшилаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Шу боис жорий йил 8 февралда **"Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун асосида Конституция, **"Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"**ги Конституциявий қонун, **"Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"**ги қонун ва Сайлов кодексига муҳим ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

*Моҳият*

## Авлодлар тақдирига дахлдор қонун



**Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Ушбу қонун лойиҳасининг тайёрланишига амалдаги қонун ҳужжатларида алгоколь ва тамаки маҳсулотларига тегишли ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг кучсизлиги ва бўшлиқларнинг мавжудлиги асос бўлди.**

Қолаверса, тамаки (никотин) маҳсулотининг айланмасини тартибга солиш масалалари амалдаги қонун ҳужжатларида ўз аксини топмаган. Натижада аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида бундай маҳсулотларни истеъмол қилиш ортиб бормоқда.

(Давоми 3-бетда) ▶

**Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар маъмурий судга тааллуқлидир.**

*Таҳлил ва таклиф*

## Маъмурий суд ишларини юритиш:

*муаммо ва ечим*



Давлат бошқаруви органлари, маъмурий ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари судда низо предмети ҳисобланади.

Бундан ташқари маъмурий суд ишларини юритишда мазкур шахсларнинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан бир қаторда идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам предмет сифатида эътироф этилади.

(Давоми 2-бетда) ▶

*Қонун кўмаги*

## Фуқаролик шаъни

*суд бузилган ҳуқуқларни тиклади*

***Ҳаётда одам баъзан мушкул ва қийин вазиятга тушиб қолиши мумкин. Айтайлик, сиз узоқ йиллар мобайнида у ёки бу соҳада фаолият юритдингиз ва ниҳоят, кексалик нафақасига чиқиш муддати етиб келди. Бироқ меҳнат фаолиятингиз ҳақдаги ҳужжатлар узрли ёхуд узрсиз сабабларга кўра, архив муассасаларига топширилмасдан қолган.***




Бунинг оқибатида кўп йиллик меҳнат фаолиятингизга оид маълумотлар изсиз йўқолган. Бундай вазиятда муаммога дуч келган фуқаронинг меҳнат фаолиятига дахлдор ҳужжат ва маълумотларни топишга қаратилган елиб-югуришларидан наф чиқмайди. Амалда ўзининг меҳнат фаолиятига оид далил-дастакларни тўплашга кўпгина фуқароларнинг курби ҳам етмайди.

Бунинг оқибатида оддий одамнинг кексалик гаштини суриш, роҳат-фароғатда яшашга доир орзуси ора йўлда қолади.

(Давоми 2-бетда) ▶

*Ажаб савдолар*

## Қоғоздаги кўзбўямачилик

*фермерларни сарсон қилди*

**Қўштепа тумани давлат солиқ инспекцияси Марғилон туманлараро иқтисодий судига киритган даъво аризасида тумандаги "TURDIMAT" фермер хўжалигига нисбатан 1.086.853.774 сўмлик молиявий жарима қўллашни сўраган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, мазкур жарима қандай асосга мувофиқ ҳисобланган?**

Даъво аризасида ёзилишича, боғдорчиликка ихтисослашган "TURDIMAT" фермер хўжалиги ва Россиянинг "Оддиссей групп" масъулияти чекланган жамияти билан тузилган экспорт шартномаси бўйича 2020 йил 1 октябрь куни ҳолатига кўра, 349.299,1 АҚШ доллари миқдорида муддати ўтган дебиторлик қарздорлик вужудга келган.

(Давоми 2-бетда) ▶

*Таҳлил ва таклиф*

# Маъмурий суд ишларини юритиш:

## муаммо ва ечим

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Маъмурий суд ишларини юритиш жараёнида аниқлаштирилиши талаб этиладиган тушунчалардан яна бири "маъмурий орган" тушунчасидир. "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасига биноан маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар маъмурий органлардир.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 27-моддасида давлат бошқаруви органлари, маъмурий ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар маъмурий орган сифатида қайд этилган.

Ҳозирги кунда маъмурий суд ишларини юритишда маъмурий органлар билан боғлиқ қуйидаги муаммолар мавжуд:

***Биринчидан,*** Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 186-моддаси биринчи қисмига кўра, агар ушбу кодекс ёки ўзга қонунларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, маъмурий орган, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилгани тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида судга берилиши мумкин. Амалдаги Фуқаролик кодексининг 150-моддасида умумий даъво муддати уч йил қилиб белгиланган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 26-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларига мувофиқ ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий суд, бошқалари фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим.

Аммо ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий суд, бошқалари иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

Бундан кўринадики, низо маъмурий суд томонидан кўриладиган бўлса, унда судга мурожаат қилишнинг уч ойлик муддати қўлланилади. Агар қўшимча талаб бўлиб, у фуқаролик ишлари бўйича судда кўриладиган бўлса, унда ўз-ўзидан уч йиллик муддат қўлланилади.

Шунингдек, айнан бир хил низо бўйича маъмурий судда талаб шикоят шаклида қабул қилинса, фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси шаклида мурожаат этилади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нега маъмурий ва фуқаролик судига тааллуқли бўлган талаб фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилади-ю иқтисодий судга тааллуқли талаб билан маъмурий судга тааллуқли талаб бирга кўрилиши мумкин эмас? Бундай номувофиқлик турли чалкашликларни келтириб чиқармоқда.

***Иккинчидан,*** "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг $86^1$-моддасига асосан иқтисодий суд томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича давлат ижрочисининг чиқарган қарори устидан ундирувчи ёки қарздор томонидан ижро ҳужжатини берган иқтисодий судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга ўн кунлик муддатда шикоят берилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган ҳолларда давлат ижрочисининг қарори устидан қарор чиқарилгани ҳақида хабар қилинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда давлат ижрочиси жойлашган ердаги умумий юрисдикция судига ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи орган ёки мансабдор шахсга шикоят берилади.

Қолаверса, давлат ижрочисининг қарорига қонунда белгиланган тартибда прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Ушбу қонун талаби суд ишларини юритишнинг процессуал талабларига мос келмайди. Чунки давлат ижрочисининг ҳар қандай қарори, ҳатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан бериладиган шикоятлар маъмурий судга тааллуқли ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган қонун талаби бўйича ҳозирда иқтисодий судлар томонидан берилган ижро варақалари бўйича қўзғатилган ижро иши юзасидан қабул қилинган давлат ижрочисининг қарори юзасидан иқтисодий судларда низолашилаётган бўлса, айнан шу ижро ҳужжати бўйича давлат ижрочиси томонидан амалга оширилган ҳаракатлар бўйича низолар маъмурий судларда кўриб чиқилмоқда.

Бундан ташқари ҳозирги кунда суд тизимида "умумий юрисдикция судлари" мавжуд эмас.

***Учинчидан,*** Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 276-моддасига мувофиқ ижро варақаси фақат пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ҳужжатлар бўйича маъмурий судлар томонидан берилади. Бошқа ажримлар (қарорлар) мажбурий ижрога тақдим этилмайди. Чунки судлар томонидан улар бўйича ижро варақаси берилмайди, шунингдек, маъмурий суднинг ажрими (қарори) ижро ҳужжати ҳисобланмайди.

Кўриниб турибдики, маъмурий ишлар бўйича суд ҳужжатларининг ижро этилишига тўсиқ бўлаётган ҳуқуқий коллизия оқибатида кўпгина ҳужжатлар ижро этилмаяпти. Бу ҳол суд ишлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зиён етказмоқда.

Маъмурий суд ишларини юритишдаги бундай муаммоларни ҳал этиш учун маъмурий судга мурожаат қилиш муддатини қайта кўриб чиқиш, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 26-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларини бир-бирига мувофиқлаштириш, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг $86^1$-моддасини янги таҳрирда қабул қилиб, бунда давлат ижрочисининг ҳар қандай қарори устидан бериладиган шикоятлар маъмурий судга тааллуқли экани ҳақидаги қоидани киритиш талаб этилади. Шунингдек, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 276-моддасига маъмурий суд томонидан қабул қилинадиган ҳар қандай мулкий ва номулкий тусдаги ҳал қилув қарорлари бўйича ижро варақасини бериш ҳақидаги қоидани киритиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ўзгартишлар одил судлов самарадорлигини таъминлаши баробарида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга янада кенг имкон яратади.

**Акмал МУРОДОВ,**
*Навоий вилояти маъмурий суди раиси*

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

# МЕҲНАТИМИЗ, ИЛМИМИЗ ВА ҲАРАКАТИМИЗ БИЛАН АНДИЖОН КЕЛАЖАГИНИ ҚУРАМИЗ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Андижон шаҳридаги "Dinar group" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган тикувчилик корхонаси — шулардан бири.

Умумий қиймати 10 миллион доллар бўлган ушбу лойиҳа учун қаровсиз бино "ноль" қийматда берилган эди. Атиги етти ойда бу ерда замонавий корхона пайдо бўлди.

Янги корхонага Италия, Австрия ва Туркия каби давлатлардан мато бўяш ва тикув ускуналари келтириб ўрнатилди. 1000 та иш ўрни яратилди. Корхона йилига 3,5 миллион дона тайёр трикотаж ва 5 минг тонна ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ўзбекистон Европа Иттифоқининг GSP+ дастурига аъзо бўлиши билан бу корхона учун ҳам кенг йўл очилди. Маҳсулотлар 100 фоиз экспортга йўналтирилмоқда. Бугунги кунда хорижий давлатлар буюртмалари асосида 50 дан ортиқ турдаги ярим тайёр ва 100 хилдан ортиқ тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Йиллик экспортни 40 миллион долларга етказиш мақсад қилинган.

Бўш турган иншоотлардан самарали фойдаланишга қаратилган иқтисодий сиёсат натижасига Андижон шаҳридаги "Diromm" фабрикаси ҳам мисол бўла олади. Унинг биноси 1980 йилларда қурилган, узоқ вақт ишламасдан, ташландиқ ҳолга келиб қолганди.

"Бобур ХБК" масъулияти чекланган жамияти томонидан 33 миллион 500 минг доллар миқдорида инвестиция киритилгач, бино қиёфаси тамоман ўзгарди. У мукаммал таъмирланиб, Франция, Германия, Италия, Япония ва Туркиянинг замонавий технологиялари ўрнатилди. Ҳозир бу ерда 1 минг 500 киши меҳнат қилмоқда. Тўлиқ қувватда 2 минг 700 та доимий иш ўрни бўлади.

Бугунги кунда корхонада 200 турдаги жинси маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Матони бўяшдан тортиб, тайёр маҳсулотгача бўлган жараён замонавий технологиялар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Бу фабрикада ҳам маҳсулотлар тўлиқ экспорт қилинади. Мўлжал — йилига 25 миллион долларлик маҳсулотни хорижга етказиб бериш.

Президентимиз янги корхоналардаги иш жараёнини, маҳсулот намуналарини кўздан кечирди. Мутасаддиларга корхоналар фаолиятини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон вилояти Бош жоме масжидини бориб кўрди.

Бу жойда илк масжид 1870 йилда тикланган. Ҳозирги масжид қурилиши 2018 йилда бошланиб, шу йил май ойида якунланди.

Янги бино қадимий чор айвон ва чор дарвоза услубида барпо этилган. Унинг икки четида баландлиги 54 метрлик миноралар, асосий бинонинг тепа қисмида диаметри 18 метрли гумбаз қурилган.

Илгари масжид сиғими 5 минг кишини ташкил қилган бўлса, энди бино 15 мингдан ортиқ намозхонни ўз ичига сиғдира олади.

Қуръон оятларидан тиловат этилиб, дуо қилинди.

— Бу даргоҳни барпо этишга ҳисса қўшган муҳандислар, қурувчи ва безакчилар, ҳомийларга миннатдорчилик билдираман. Масжид Андижон халқига муборак бўлсин, узоқ йиллар халқимизга хизмат қилсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда уламо ва имом-хатиблар билан мулоқот бўлди.

— Ҳамма жойларда муқаддас зиёратгоҳларни обод қилиш, янги масжид ва маърифат марказлари қуришга эътибор қаратяпмиз. Бундай хайрли ишларни давом эттирамиз. Мўмин-мусулмонлар бу ерга келиб, ибодатларни эмин-эркин бажариб, шукроналик билан халқимизни дуолар қилса, нур устига нур, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,**
*ЎзА мухбирлари*

*Ажаб савдолар*

# Қоғоздаги кўзбўямачилик

## фермерларни сарсон қилди




◀ (Бошланиши 1-бетда)

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги "Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 24-бандига асосан экспорт контракти бўйича тушум тушиши ёки товарларни қайта олиб кириш муддати товарларга нисбатан "экспорт" божхона режими бўйича божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан, хизматларга (ишларга) нисбатан бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб 180 кундан ошиб кетмаслиги керак.

Бунда енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) таъсири юзага келган ҳолатда хорижий валютадаги тушумнинг тушиши муддати ушбу таъсир юз берган давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган енгиб бўлмайдиган кучнинг амал қилиши даврига узайтирилади. Низомнинг 27-бандига мувофиқ чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар, шунингдек, "эркин муомалага чиқариш (импорт)" божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишни 30 банк кунидан ортиқ таъминламаган импорт қилувчилар (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун 60 банк куни) белгиланган муддатлар тамом бўлгандан кейин 180 кунгача кечикканда тушмаган валюта маблағлари ёки "эркин муомалага чиқариш (импорт)" божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 10, 180 кундан 365 кунгача кечикканда 20, 365 кундан ортиқ кечикканда 70 фоизига тенг миқдорда қўшимча жарима тўлайди. Бинобарин, Қўштепа тумани давлат солиқ инспекцияси ана шу Низом талабларидан келиб чиқиб, жавобгарга нисбатан хорижий ҳамкор билан вужудга келган дебитор қарздорликнинг 10 ва 20 фоизи миқдорида — жами 1.086.853.774 сўм молиявий жарима қўллашни сўраган.

Шу йилнинг 21 апрель куни мамлакатимизда бизнес юритиш шарт-шароитларини янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга оид ислоҳотларни изчил давом эттириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш, уларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлаш мақсадида "Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда 2021 йил 1 май ҳолатига шаклланган ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилиши ва дебитор қарздорлик вужудга келиш муддатлари 2021 йил 1 майдан бошлаб янгидан ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Ана шу асосга таянган суд Қўштепа тумани давлат солиқ инспекциясининг даъвосини рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Бу — масаланинг иқтисодий судда кўрилган ҳолати. Аммо муаммонинг асл илдизи бошқа ёқда. Гап шундаки, 2019 йилнинг охирларида Қўштепа тумани ҳокимининг собиқ биринчи ўринбосари Бахтиёр Таниқулов "TURDIMAT" фермер хўжалигининг муҳрини олиб кетиб, маълум муддат ўтгандан сўнг қайтариб беради. Ўшанда ҳоким ўринбосари фермернинг номидан бир нечта экспорт шартномаларини имзолаб, муҳр босган. Фермернинг имзоси қўйилган шартномадан фойдаланиб, экспортни бошқа тадбиркорлар амалга оширган. Хорижий ҳамкор экспорт қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳақини ўз вақтида тўламагач, фермер хўжалиги зиммасида 349.299,1 АҚШ доллари миқдоридаги муддати ўтган дебитор қарздорлик пайдо бўлган. Шунга асосан солиқ идораси иқтисодий суддан хўжаликка молиявий жарима қўллашни сўраган. Умуман олганда, тумандаги 16 та фермер хўжаликлари зиммасида 2.977.907 АҚШ доллари миқдорида ана шундай нореал қарздорлик юзага келган.

— Мен ҳеч қандай маҳсулотни экспорт қилмаганман. Ҳоким ўринбосари жуда кўп фермерларнинг муҳрини олиб кетиб, кўзбўямачилик қилган экан. Бу ҳақда туман прокуратурасига мурожаат қилдик, — дея судда кўрсатма берди фермер хўжалиги раҳбари М.Тожиматов.

Дарҳақиқат, тумандаги "TURDIMAT", "NURIDDIN ULUG`YERI", "ҚИЗИЛ ТЕПА" ва "УМАРБЕК" фермер хўжаликларининг мурожаатига биноан шу йил 21 январда туман прокуратураси мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 228-моддаси 2-қисми "а, б" бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатган.

Бундай жиноий қилмишлар фақатгина Қўштепада эмас, бошқа туманларда ҳам содир этилган. Жумладан, 2019 йилнинг баҳор ойларида Тошлоқ тумани ҳокимлиги вакили Алижон Абдувоҳидов "Файзли юрт кўрки" фермер хўжалигига нисбатан ана шундай йўл тутган. Пировардида 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, фермер хўжалигида 1.167.676 АҚШ доллари миқдорида дебитор қарздорлик вужудга келган. Қўштепалик ҳамкасблари сингари Тошлоқ тумани давлат солиқ инспекцияси ҳам хўжаликка 3 миллиард 630 миллион 707 минг 421 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш бўйича судга даъво ариза киритган.

Албатта, суд жараёнида бундай кўзбўямачилик фош бўлди. Шу боис Марғилон туманлараро иқтисодий суди "Файзли юрт кўрки" фермер хўжалиги номидан имзоланган экспорт шартномасининг қалбакилаштирилганлик ҳолатига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан хусусий ажрим чиқариб, Тошлоқ тумани прокуратурасига юборди. Ҳозирги пайтда айни ҳолат бўйича тегишли жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Тез орада фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ўрнига уларни катта миқдордаги қарзга йўлиқтириш, сарсону саргардон қилишдан ким манфаатдор бўлган, нега сохтакорликка йўл қўйилган, деган саволларга жавоб топилади.

**Алишер МАДАМИНОВ,**
*Фарғона вилояти суди раиси ўринбосари*

*Қонун кўмаги*

# Фуқаролик

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бироқ қонуннинг йўриғи бошқа: у барча фуқароларнинг юридик ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимоясини таъминлашни кўзлайди. Оддий фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини етарлича муҳофаза қила олмаган бир пайтда, унинг яқин мададкорига айланади, ҳуқуқий ҳимояси ва қонуний манфаатини таъминлайди. Нафақа масаласида фуқаролар йўлида пайдо бўладиган бундай муаммо ишончли ҳуқуқий манба — қонунчилигимизнинг юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилашга доир тартиб-таомиллари асосида ҳал этилади.

Шу ўринда суд амалиётига эътибор қаратсак, фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро суди жорий йилнинг дастлабки 4 ойида ҳуқуқий аҳамиятга молик фактларни белгилаш юзасидан 96 та ишни кўриб чиқди. Бу жами ишларнинг 13 фоизига тенг.

Юридик фактни белгилашга доир ишларни бевосита одамлар ҳузурида — сайёр тартибда кўриб чиқишнинг аҳамияти янада катта. Ўтган йил ва жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида ушбу мазмундаги суд ишларининг 90 фоизи айнан шундай тартибда, карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказилди.

Айтиш керакки, Фуқаролик-процессуал кодексининг 295-моддасида юридик аҳамиятга молик фактни белгилашнинг аниқ тартиби ўз ифодасини топган. Унга кўра, "Судлар шахснинг қариндошлик алоқалари; шахс бировнинг қарамоғида эканлиги; оталикни тан олиш (белгилаш), боланинг у ёки бу онадан туғилгани, шунингдек, туғилган вақти; фарзандликка олиш, никоҳ ва ундан ажратиш ҳамда ўлимни қайд этиш; эр-хотиндан бири вафот этгани оқибатида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органларида никоҳни рўйхатдан ўтказиш мумкин бўлмай қолса, қонунда белгиланган ҳолларда уларнинг ҳақиқатда никоҳ муносабатларида бўлгани; шахснинг ҳуқуқини белгиловчи ҳужжатларда (жамоат бирлашмаларига аъзолик билетлари,ҳарбий ҳужжатлар, паспортлар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари томонидан бериладиган гувоҳномалар бундан мустасно) кўрсатилган фамилияси, исми ёки отасининг исми унинг паспортидаги ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасидаги фамилияси, исми ёки отасининг исми билан мос келмаган тақдирда, мазкур ҳужжатларнинг унга тегишли ёки тегишли эмаслиги; бахтсиз ҳодиса; иморатга хусусий мулк ҳуқуқи асосида эгалик қилиш; меросни қабул қилиш ва унинг очилиш жойи фактларини аниқлаш билан боғлиқ ишларни кўради". Бу борада қабул қилинган суд қарорлари турли оилавий муносабатлар, нафақа тайинлаш, жисмоний ва юридик шахслар билан юзага келадиган турли масалаларни ҳал этиш кафолатини беради. Аммо юридик фактларнни белгилашнинг бошқача (судсиз) тартиби назарда тутилган ҳолларда унга оид аризалар суд тартибида кўрилмайди. Ушбу тартибга биноан меҳнат стажини (пенсия, меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва бола туғилиши муносабати билан нафақа тайинлаш, иш ҳақига фоиз қўшимчаларни қўшиб ҳисоблаш, узоқ йиллик хизмати эвазига бир йўла мукофот пули тўлаш ва ҳоказолар учун), фуқароларнинг ёшини белгилаш, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаганлик, партизан отрядида бўлганлик, жангларда яраланганлик, олий ўқув юрти, техникум, ўрта мактаб ва бошқа ўқув юртларини битирганлик фактларини белгилаш, партия, касаба уюшмалари ҳужжатлари, паспорт ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан бериладиган гувоҳномаларнинг тегишлилиги фактини белгилаш тўғрисидаги аризалар судда кўрилмайди.

Шахснинг ҳуқуқини белгиловчи ҳужжатларда (жамоат бирлашмаларига аъзолик билетлари, ҳарбий ҳужжатлар, паспортлар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари томонидан бериладиган гувоҳномалар бундан мустасно) кўрсатилган фамилияси, исми ёки отасининг исми унинг паспортидаги ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасидаги фамилияси, исми ёки отасининг исми билан мос келмаган тақдирда,мазкур ҳужжатларнинг унга тегишлилиги ёхуд тегишли эмаслиги фактини белгилашга доир аризалар салмоғи анча катта.

Аммо кейинги пайтда бу борадаги устунлик фуқароларга пенсия-нафақа тайинлаш билан боғлиқ масалаларга ўтди десак, янгилишмаймиз. Бунинг асосий сабаби ҳужжатлардаги чалкашлик, ноаниқлик ва мавҳумликларга бориб тақалади.

*Сайлов қонунчилиги*

# Муҳим сиёсий жараён

*мамлакатимиз сайлов тизимининг ўзига хос хусусиятлари*



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча, уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда декабр ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасидан октябр ойига кўчирилди. Бундан кўзланган мақсад шундан иборатки, илгари сайловлардан кейинги давлат ҳокимиятини ташкил этилиши билан боғлиқ сиёсий тадбирлар янги йилнинг биринчи чораги охирига қадар чўзилиб, бу ҳол Давлат дастурини қабул қилиш ва бошқа муҳим тадбирларнинг кечиктирилишига сабаб бўлаётган эди.

Бундан ташқари қатор хорижий давлатларнинг байрамлари арафасига тўғри келиши сабабли жаҳон миқёсида обрўга эга бўлган халқаро кузатувчиларнинг сайловда иштирокини таъминлашда муайян қийинчиликларни вужудга келтириши, шунингдек, декабрь ойи қиш мавсумига тўғри келгани учун сайловолди ташвиқоти тадбирларини кенг қамровли ўтказиш ва унда сайловчиларни жалб этишда қатор ноқулайликлар келиб чиқараётгани ҳам айни ҳақиқат эди.

***Иккинчидан,* "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"**ги қонун Сайлов кодекси билан мувофиқлаштирилиб, унинг айрим моддалари янги таҳрирда қабул қилинди. Масалан, ушбу қонуннинг **8-моддасида** сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг **бир номзод ҳисобига** тўғри келадиган миқдори Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланиши ва сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағлари шу партиядан кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинганидан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варағига белгиланган тартибда ўтказилиши белгиланди.

Шунингдек, сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган маблағлар сиёсий партия томонидан ташвиқот олиб бориш, номзодларнинг ишончли вакиллари ва ташвиқот ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этиш, сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти учун ажратилган маблағлардан фойдаланишнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида қонуннинг янги таҳрирдаги **16-моддасида** сиёсий партия ҳар йили қонунчиликда белгиланган муддат ҳамда тартибда молия органлари, давлат солиқ хизмати органлари, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига ҳисобот даврида олинган ҳамда сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисида молиявий ҳисобот тақдим этиши шартлиги белгиланди. Шу билан бирга сиёсий партия сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ўзига ажратилган давлат маблағлари юзасидан сайлов кунида оралиқ ҳисоботни, сайлов натижалари эълон қилинганидан кейин эса, якуний ҳисоботни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиши шарт.

Қолаверса, қонуннинг **18-моддасига** Ҳисоб палатаси томонидан сиёсий партияларнинг молиявий фаолиятини текшириш натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши ҳақидаги банд ҳам киритилди.

***Учинчидан,* Сайлов кодексига 30 яқин ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.** Кодекс янги **$27^1$, $56^1$** ва **$102^1$ моддалар** билан тўлдирилди. Жумладан, **$27^1$-моддада** мамлакатимизнинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар бошлиқлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилиши; тузилган участка сайлов комиссиялари чет давлатларда турган фуқароларни сайловчилар рўйхати билан танишиш усули, жойи ва вақти тўғрисида хабардор қилиши; участка сайлов комиссияларига уларни сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисида сайловдан **ўн беш кун олдин** ёзма шаклда ёки Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилиши мумкинлиги; сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этиши ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига **Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига** тегишли тузатишлар киритиш учун тақдим этиши белгиланди.

**$56^1$-моддада** хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқароларини дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик ҳисобида бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби, сайловда иштирок этиш ва уни ўтказишнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Мамлакатимизнинг чет давлатдаги дипломатик ва бошқа ваколатхонаси ҳузурида тузилган участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг турган жойида овоз бериш вақти ҳамда жойи тўғрисида қарор қабул қилиши ва бу ҳақда сайловчилар, кузатувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор этиши, сайловчиларнинг турган жойида овоз бериши участка сайлов комиссиясининг камида **икки нафар аъзоси** ҳозирлигида ўтказилиши, овоз бериш тугаганидан кейин участка сайлов комиссияси аъзолари кўчма овоз бериш қутисини очиши, унинг ичидаги сайлов бюллетенларини санамасдан махсус қопга жойлаштирилиши, қопни сурғучлаши ва бу ҳақда далолатнома тузиши, кейинчалик қопнинг сайлов участкасига олиб борилиши ва сайлов куни овозларни санаб чиқиш жараёни бошлангунига қадар сақланиши каби талаблар шулар сирасидандир.

**$102^1$-моддада** Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси аэропортлар ва аэровокзаллар, темир йўл вокзаллари ҳамда станцияларининг расмий шахслар ва делегацияларга хизмат кўрсатиш залларидан текин фойдаланиш ҳуқуқига эга экани, темир йўл вокзаллари ва станцияларининг чипта сотадиган кассалари, фуқаро авиацияси агентлиги ёки аэропортлар унга поезд вагонидан, самолёт салонидан навбатсиз жой бериши шартлиги, Марказий сайлов комиссиясининг мажлисига бораётганда унга самолёт чиптаси парвоздан камида **икки соат** олдин, бошқа ҳолларда эса, камида **бир сутка** олдин берилиши кўрсатилди.

Давлат бюджетидан ортиқча маблағ сарф этилишининг олдин олиш мақсадида эндиликда Халқ депутатлари **туман, шаҳар** Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари тузилмайди. Уларнинг ваколатлари туман ва шаҳар сайлов комиссияларига берилди. Иш ҳажмининг кўплиги ҳисобга олиниб вилоят ва туман сайлов комиссиялари аъзолари аввалги 7-15 нафар эмас, балки **11-21 аъзодан** иборат таркибда тузилади.

Участка сайлов комиссияси аъзоларининг **ярмидан кўпи** битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмаслиги белгиланиб, бундан мамлакатимизнинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмлар, санаторийлар ва дам олиш уйлари, касалхоналар ҳамда бошқа стационар даволаш муассасалари, шунингдек, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган участка сайлов комиссиялари мустасно экани қайд этилди.

Эндиликда манфаатдор ташкилотлар кузатувчилар тўғрисида сайлов комиссияларига сайловдан камида аввалги 15 кун эмас, балки **10 кун олдин** ариза билан маълум қилади. Шу билан бирга кузатувчилар ҳарбий қисмлар, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларига бориши ҳақида камида **уч кун олдин** участка сайлов комиссиясини хабардор қилиши зарур.

Яна бир муҳим ўзгаришлардан бири шуки, энди айрим тоифадаги хизматчиларнинг сайловолди ташвиқотини амалга ошириши тақиқланди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари; Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчилари, Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, судьялар, сайлов комиссиялари аъзолари, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари ана шундай тоифага киради. Шу билан бирга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига ўз мансаб ва хизмат мавқеидан сайловолди ташвиқоти вақтида ҳар қандай сиёсий партия ёки номзоднинг фойдасига ёхуд унга қарши фойдаланиши ман этилади.

Сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигин таъминлаш мақсадида округ бўйича сайлов натижалари округ сайлов комиссиясининг мажлисида аниқланади ва баённомага киритилади. Баённома округ сайлов комиссияси аъзолари томонидан имзоланиб, тегишли сайлов комиссиясига тақдим этилади. Мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун дарҳол участка сайлов комиссияси биносига **камида қирқ саккиз соат** муддатга осиб қўйилади. Бу билан сайлов натижаларини эълон қилиш муддатларининг асоссиз чўзилишининг олдини олинади.

Бундан ташқари Сайлов кодексига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

— Юқори турувчи сайлов комиссияларининг ваколатларидан қуйи тизимдаги сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш ҳақидаги қоида чиқариб ташланди (14, 20, 22, 101 ва 102-модда).

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва **ўн бир — ўн саккиз** нафар комиссия аъзосидан иборат таркибда тузилиши белгиланди (21-модда).

— Сайлов бюллетенида номзоднинг эгаллаб турган лавозими, иш жойи кўрсатилиши ҳақидаги қоида чиқариб ташланди (31-модда).

— Сайловларда сиёсий партия ёки номзодларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйишда фуқаролар паспорт билан бир қаторда идентификация картаси орқали ҳам шахсини тасдиқлаши мумкинлигини белгиланди (38-модда).

— Сайловчилар билан учрашувлар каби оммавий тадбирлар уларнинг ўтказилиши жойи ва вақти ҳақида туман (шаҳар) ҳокимликлари камида **уч кун** олдин ёзма равишда хабардор қилинган ҳолда ўтказилиши, бунда ушбу оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатнома талаб этилмаслиги белгиланди (48-модда).

Бундай янгиликлар миллий сайлов қонунчилигимизни умумэътироф этилган халқаро сайлов мезонлари асосида янада такомиллаштиришга, бу борада амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг самарадорлигига хизмат қилади. Зеро, сайлов жараёни мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган улкан сиёсий тадбирдир. Унда истиқбол йўллари белгилаб олинади.

**Ботир МАТМУРАТОВ,**
*Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари*

*Моҳият*

# Авлодлар тақдирига дахлдор қонун



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бундан ташқари тамаки маҳсулотини реализация қилиш юридик шахслар томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, кундалик ҳаётда маҳсулотнинг чакана савдоси билан аксарият ҳолларда якка тартибдаги тадбиркорлар ноқонуний равишда шуғулланиб келмоқда.

Қонун лойиҳасида алкоголь, тамаки маҳсулотлари ва мосламаларни 21 ёшга тўлмаган шахсларга, 21 ёшга тўлмаган шахслар томонидан савдо автоматлари орқали, электрон тижорат шаклида (маҳаллий кўпикланадиган ва табиий винолар бундан мустасно), сайёр ва тарқатма (қўлда, лотокларда, саватчаларда, қўл аравачаларида) савдо, масофавий сотиш усулида, турғун савдо объектларидан ташқарида, дорихоналарда, болалар учун товарларни реализация қилишга мўлжалланган хоналарда, болалар ўйинчоқлари, конфетлар ёки болалар учун мўлжалланган бошқа товарларга ўхшатиб ишланган бўлса, истеъмол ўровида йигирма донадан кам сигарета бўлса, реализация қилишни таъқиқлаш кўзда тутилмоқда.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш мумкин бўлмаган жамоат жойларининг аниқ рўйхати кўрсатилиб, чекиш учун ажратилган махсус жойларга минимал талаблар белгиланмоқда ҳамда белгиланган қоидаларни ижро этилишини таъминлаш учун масъул шахслар мажбуриятлари аниқлаштирилмоқда.

Ноқонуний айламанинг олдини олиш учун импорт қилувчи ва ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳсулотларни рақамли маркировкалаш, ишлаб чиқариш ҳажми ва айланмасини ҳисобга олиш ахборот тизимларининг татбиқ этилиши эътиборга олинмоқда.

Барча чекилмайдиган (тутунли) тамаки, шу жумладан, никотинли чекилмайдиган (тутунсиз) маҳсулотларнинг мамлакатимизга олиб келиниши ҳамда реализация қилиниши тақиқланмоқда.

Чакана савдони амалга ошираётганда тамаки маҳсулоти, тамаки ва никотин истеъмол қилиш учун мосламаларни турғун савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида кўрсатиб қўйиш ҳамда очиқ намойиш этиш ман этилади.

Шу ўринда халқаро тажрибага назар ташласак, чет эл мамлакатларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотишга доир қатор чекловлар белгиланган. Хусусан, АҚШ ва Қозоғистонда 21 ёшга тўлмаган шахсларга алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш мумкин эмас. Туркманистон, Индонезияда 21, Ҳиндистоннинг 17 та штатида 21-25 ёшга тўлмаган шахсларга алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш тақиқланган. Чунки 21 ёш шахснинг шаклланиш жараёни тугайдиган давр ҳисобланади ва бу ёшга тўлмаганларда қарамликнинг ривожланиш эҳтимоли бир неча баробар юқори бўлади.

Тамаки маҳсулотларини Интернет орқали сотиш Европа Иттифоқи (28 та мамлакат), шунингдек, МДҲ мамлакатларида (Беларусь, Молдова, Россия Федерацияси, Туркманистон) қонун асосида ман этилган.

Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг пештахталарида тамаки маҳсулотини қўйиш ва намойиш этишни тақиқлаш дунёнинг 45 мамалакатида, жумладан, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (5 та давлат), Грузия, Тожикистон, Туркманистон, Молдова, Туркия, Финляндия, Эстония каби давлатларда ўзининг ижобий самарасини берган.

Арманистонда жамоат жойларда чекиш мумкин эмас. Грузия, Молдова, Тожикистон, Украинада ёпиқ жамоат жойларида, Албания, АҚШ, Аргентина, Австралия, Болгария, Бразилия, Буюк Британия, Венгрия, Ирландия, Исландия, Испания, Хитой, Канада, Колумбия, Латвия, Литва, Янги Зеландия, Норвегия, Туркия, Уругвай ва бошқа мамлакатларда умумий овқатланиш (кафе, ресторан, бар ва бошқалар) корхоналарининг ёпиқ жойларида чекиш тақиқланган.

Эътиборли жиҳати шундаки, қонун лойиҳаси жамоатчилик, давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Муҳокамада иштирок этган фуқароларнинг 80 фоизи қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади, 3 фоизи салбий муносабат билдирди, 17 фоизи бетараф қолди.

Тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш мумкин бўлмаган жойларнинг аниқ рўйхати кўрсатилиши жамоат жойларида тўлиқ тамакисиз муҳит яратишга ҳуқуқий асос бўлади.

Энг муҳими, алкоголь ва тамаки истеъмол қилиш билан боғлиқ касалликлар, улар туфайли юз берадиган ўлим ҳолатлари сони қисқаради. Нафас олиш аъзолари, юрак-томир касалликлари ва уларнинг асоратлари, жигар, милк, лаб, оғиз бўшлиғи, ҳалқум, ҳиқилдоқ, қизилўнгач ва ошқозон саратонининг олди олинади.

Маст ҳолатда содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари, жароҳатлар, тутунли тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ ёнғинлар ва жароҳатлар, ушбу фалокатлар туфайли юз берадиган ўлимлар миқдори камаяди. Бир сўз билан айтганда, аҳолининг соғлиги ҳимоя қилинади.

Бинобарин, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши нафақат аҳоли саломатлигига, балки мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Зеро, у тамакисиз муҳит яратишга ҳисса қўшиб, чекмайдиган фуқароларнинг соғлиғини муҳофазалайди ва чекувчиларни чекишни ташлашга ундайди. Шу маънода у авлодлар келажагига дахлдордир.

**Фирдавс ШАРИПОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*

# Шаъни

*суд бузилган ҳуқуқларни тиклади*

Фактлар пенсия ва нафақа тайинлашга доир ҳужжатлар тегишли маҳкамаларга баъзан хато-қусурларга "бой" ҳолда тақдим этилаётганидан далолат беради. Мутасадди идора ходимининг оддийгина бепарволиги, лоқайдлиги сабабли турли бюрократик тўсиқлар, қоғозбозликлар, овора-ю сарсонгарчиликларга дуч келаётган ва бунинг оқибатида муайян вақтгача нафақа таъминотидан четда қолаётганлар анчагина. Масалан, қўшкўпирлик Ровияжон Авезова айнан шундай масъулиятсизликнинг жабрини тортди. Тумандаги собиқ "Незахос" жамоа хўжалиги масъулининг эътиборсизлиги боис фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатда Авезова Ровияжон Норимовна дея қайд этилган исм-шарифи ўзбошимчалик билан ўзгартирилган. Унинг 1992-2000 йиллар мобайнида ушбу хўжаликдаги фаолияти Авезова Рая номи остида пенсия таъминоти идорасига тақдим қилинган. Мазкур маҳкама жамоа хўжалиги мутасаддиси томонидан оддийгина тарзда йўл қўйилган ушбу хатони жиддий камчиликка йўйди. Р.Авезовани сал бўлмаса, ўзганинг номини ўзлаштирганликда айблади. Бир неча ойларга чўзилган сарсонгарчилик ниҳоят судда якун топди. Жамоа хўжалигида фуқаронинг номига ёзилган 4375919-рақамли меҳнат дафтарчаси у бир неча йиллар давомида ушбу жамоада ишлаганини кўрсатди. Ишкал иш ҳақи ҳужжатларидан чиқди. Фуқаронинг исм-шарифи қўпол тарзда бузилгани ва Рая Авезова номи остида қайд қилингани маълум бўлди. Суд тегишли ҳужжат ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини ҳам эътиборга олди. 1967 йил январь ойида туманнинг Ҳадра қишлоғи "Незахос" маҳалласида туғилиб, қарийиб 8 йил мобайнида шу ердаги собиқ жамоа хўжалигида меҳнат қилган шахснинг исм-шарифи Рая Авезова эмас, балки Ровияжон Норимовна Авезова экани шу аснода маълум бўлди. Бу ҳолат юридик фактни белгилаш бўйича суд томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорида ўз аксини топди.

Суд муҳокамаси учун тақдим этилган бошқа бир ҳолатда ҳали 1956 йил атиги 1 ёшлик чоғидаёқ бевақт оламдан ўтган Нуриддин Дурдиевнинг вафотини белгилаш масаласи кўриб чиқилди. Шу юзадан унга ука эканлигини даъво қилган Ғайрат Дурдиевнинг аризаси атрофлича ўрганилди. Бу жараёнда судга ариза билан мурожаат қилган Ғ.Дурдиев 1968 йил июль ойида туғилгани,отаси Қуранбой Дурдиев 1994 йил ноябрь, онаси Ёқутжон Жуманиёзова эса, 2013 йил март ойида вафот этгани факти ҳам аниқланди. Ушбу фуқаролар 1 яшарлик чоғида вафот этган гўдакнинг укаси ва ота-онаси экани эътироф қилинди. Аён бўлишича, Нуриддин Дурдиевнинг ўлими ўша вақтда мутасадди маҳкама томонидан тегишли тартибда қайд қилинмаган. Шовот тумани ФҲДЁ бўлими эса, Дурдиевлар оиласига тўнғич аканинг ўлими бўйича маълумотнома бериш ҳақидаги талабни рад қилган. Даъвогар тараф шундай сўнг бевақт нобуд бўлган бола ҳақида маълумот бериши мумкин бўлган ҳужжатни туман Марказий шифохонасининг архив муассасасига топширилган жилдлари орасидан излашга киришган. Аксига олиб, бундан ҳам наф чиқмаган. Шифохонанинг бола вафот этган даврга оид ҳужжатлари архивга топширилмагани маълум бўлган. Ҳайриятки, қидирилаётган маълумот туман Ободонлаштириш бошқармасидан топилган. Мазкур бошқарманинг 2021 йил 13 мартдаги маълумотномасида ёзилишича, 1956 йил 1 январь куни вафот этган Н.Дурдиев Шовот шаҳарчасидаги "Шаҳидлик бобо" қабристонига дафн қилинган. Ўлим фактини судга таклиф қилинган гувоҳ ҳам тасдиқлаган.

Суд ушбу ҳолатларни эътиборда тутиб, фуқаро Дурдиев Нуриддин Куранбаевичнинг 1956 йил 1 январ куни вафот этганини эътироф этди. Шу бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорига асосан ўлим факти белгиланди. Мерос масаласида мазкур оилани қийнаб келаётган муаммо ана шу аснода ечим топди.

Баён этилган ҳолатлардан ҳам кўринадики, судлар қонун талабидан келиб чиқиб, юридик фактларни белгиламоқда. Бироқ фуқаролик муносабатларига оид ҳужжатларни қонун меъёрлари асосида тўғри, аниқ, лўнда, тушунарли ва аслида қандай бўлса, шундайлигича ёзиш ҳамда расмийлаштиришга асосан идора ва ташкилотларнинг мутасаддилари масъул эканини доимо назарда тутиш керак. Фуқаролик шаъни ва обрўсини улуғлаш уларнинг биринчи галдаги вазифаси, ҳаётий бурчидир.

**Зафар СУЛТОНОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро суди раиси*

**Абдулла СОБИРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Жиноят ва жазо*

# Бойлик васвасаси

*ёки хомхаёлга алданганлар қисмати*

**Бир донишманддан сўрашибди: — Бу дунёда энг катта бойлик нима?**

**Донишманд жавоб қилибди: — Кўнгил хотиржамлиги ва саломатликдан ортиқ бойлик йўқ.**

Албатта, бу ҳикматдан англашиладики, бу икки неъмат инсон ҳаётида тенгсиз ва бебаҳо. Чунки хотиржамлик ва саломатлик осуда ҳаётнинг асосидир.

Аммо ҳаётда шундай иллатлар борки, улар энг аввало, инсонни ана шу бебаҳо неъматлардан маҳрум қилади. Бу — гиёҳвандлик балосидир.

(Давоми 4-бетда) ▶

*Фаолият мезони*

# Ёшлик — бебошлик эмас

## ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда нималарга эътибор бериш зарур?

*Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил қилади. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги манфаатларини ҳимоя қилиш, турли салбий иллатлар, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга олиб келувчи таҳдид ва омиллардан асраш, тўғри йўл кўрсатиш, эртанги кунимизга бефарқ бўлмаслик муҳим вазифа ҳисобланади.*



**"Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"**ги, **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги, **"Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"**ги, **"Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги қонунларнинг қабул қилингани ёшлар масаласи давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканидан далолатдир.

Амалиёт таҳлили ҳуқуқбузарлик ёки жиноятларнинг аксариятини тайин бир иш жойига эга бўлмаган ёшлар содир этаётганини кўрсатмоқда. Шу боис Наманган вилояти судлари томонидан маҳалла, таълим масканлари, турли ташкилот ва корхоналарда сайёр судлар ҳамда очиқ мулоқотлар ўтказилиб, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилишнинг олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Шерзод Шокиров, Соҳиб Низомов, Мурод Тоиров ва Мусо Икромов (исм-шарифлар ўзгартирилган) олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, ўзгаларнинг мол-мулкини яширин равишда ўғирлаш билан шуғулланган. Улар кўчада қаровсиз қолдирилган автомашиналарнинг баллонларини яширинча ечиб, бозорда сотишни ўзларига касб қилиб олишган.

Суриштирув ва тергов чоғида улар бу жиноятни бир неча марта содир этгани маълум бўлди. Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судида уларнинг ҳар бирига қонунда белгиланган тартибда жазо тайинланди.

Суд мажлисида маълум бўлишича, ёшларнинг ўғирлик қилишига ишсизлик асосий сабаб бўлган. Уларнинг баъзилари ҳали ўзини боқишга қурби етмасдан туриб, уйланган ва рўзғор ташвишини тортиш зиммасига тушган. Афсуски, ота-оналари, маҳалла фаоллари ҳам уларга эътиборсиз муносабатда бўлган.

Бу каби жиноятлар таҳлили жамиятда ота-оналарнинг масъулиятини янада ошириш, ёшларнинг оилада ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг бандлигини таъминлаш долзарб вазифа эканини кўрсатиши баробарида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминловчи қонун талабларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни тақозо қилади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, **жиноятчиликка қарши курашга масъул бўлган идораларнинг асосий вазифаси жиноятчини топиш ва жазолаш эмас, балки жиноят содир этилишига шароит яратган ҳолатларни аниқлаш, айниқса, тизимли муаммолар билан ишлашдан иборатдир.**

**Абдурасул ЭРАНОВ,**
*Наманган вилояти суди раиси*



*Жиноят ва жазо*

# Бойлик васвасаси

## ёки хомхаёлга алданганлар қисмати

**◀ (Бошланиши 3-бетда)**

Мамлакатимизда гиёҳвандлик балосининг инсон ҳаётига салбий таъсирини назарда тутиб, унга қарши курашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди. Мамлакатимиз БМТнинг "Наркотик моддалар тўғрисида", "Психотроп моддалар тўғрисида" ҳамда "Гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисида"ги конвенцияларини ратификация қилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Бундан ташқари юртимизда "Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида", "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилингани бу иллатга қарши муросасиз курашда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Таъкидлаш керакки, амалдаги Жиноят кодексининг 270 — 276-моддаларини ўз ичига олган XIX боб "Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар" деб номланган. Бу ҳуқуқий меъёрларга кўра, тақиқланган экинларни етиштириш, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш, ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатларни қилиш, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга жалб қилиш, ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ ҳар қандай жиноий қилмишга нисбатан судларда жазонинг муқаррарлиги таъминланмоқда.

Яқинда биринчи босқич судининг очиқ суд мажлисида тергов идораси томонидан Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан айбланиб, судга берилган Н.Ҳайдаров (исм-шарифлар ўзгартирилди) ва бошқаларга нисбатан жиноят иши мазмунан кўриб чиқилди.

Буёғини сўрасангиз, судланувчилар Нажмиддин Ҳайдаров, Исроил Фармонов, Шеҳруз Ҳусанов қариндош, бир-бирларига амакиваччa. Улар маҳалладоши Кенжабой Избосаров билан кўп миқдордаги "опий" гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиб, ноқонуний даромад олиш мақсадида ўзаро жиноий тил бириктиришган.

Гиёҳвандлик воситасини сотиб, бир зумда бойиб кетишдек хомхаёлга берилган судланувчи Н.Ҳайдаров жиноий ҳодиса юз беришидан икки йил аввал бир кило "опий" гиёҳвандлик воситасини 7 минг 500 АҚШ долларига терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахсдан сотиб олган ва уни ҳовлисига кўмиб қўйган. 2020 йилнинг 4 октябрь куни амакиваччаси И.Фармонов Нажмиддинга учрашади ва унга гиёҳвандлик воситаси кераклиги, бир кило "опий"ни 20 минг АҚШ долларига сотиб оладиган харидор борлигини айтади.

Қисқаси, бойлик васвасасига учган Н.Ҳайдаров, И.Фармонов, К.Избосаров ва Ш.Ҳусанов бир гуруҳ бўлиб, оғирлиги 966 грамм "опий"ни "Рустам" исмли шахсга 18 минг АҚШ долларига сотишга келишишади.

Ўша 2020 йилнинг 6 октябрь куни соат йигирма бирларда судланувчилар Ургут туманининг "Жартепа" маҳалласи ҳудудига келишади. Жиноий режага кўра, Н.Ҳайдаров ўзининг "Спарк" русумли автомашинасида гиёҳвандлик моддасини олиб келиши, И.Фармонов билан бирга товарни харидор "Рустам"га топшириши ва пулни олиши, шериклари К.Избосаров билан Ш.Ҳусанов бироз нарироқда олди-сотдини кузатиб туриши керак эди.

Қисқаси, И.Фармонов умумий оғирлиги 966 грамм "опий"ни "Рустам" исмли тадбир иштирокчисига сотиб, ундан 18 минг АҚШ долларини олган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинади. Тезкор тадбир давомида К.Избосаров ва Ш.Ҳусанов ҳам ушланади.

Вилоят наркология диспансерининг берган хулосаларига кўра, судланувчи Н.Ҳайдаров, К.Избосаров, И.Фармонов ва Ш.Ҳусанов гиёҳвандлик касаллиги билан хасталанмаган, яъни улар Жиноят кодексининг 96-моддасига асосан тиббий йўсиндаги мажбурий даволанишга муҳтож эмас.

Мазкур жиноят ишини ўрганиш чоғида аён бўлдики, судланувчи К.Избосаров 22, Ш.Ҳусанов 25, Н.Ҳайдаров 27 ва И.Фармонов 28 ёшда экан. Н.Ҳайдаров оилали, бир нафар фарзанди бор, бошқа судланувчилар ҳали оила қуришга улгурмаган.

Хўш, судланувчилар бу қабиҳ қилмишга нега қўл уришди?

Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, узоқни кўра олмаслик, ҳаётга енгил қараш, меҳнат қилмай тезда бойиб кетиш васваси уларни тўғри йўлдан оздирган. Энди эса, ҳар қанча пушаймонликдан фойда йўқ, улар ўз қўллари билан ўз тақдирига қора чаплашди.

Суд судланувчиларни Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топиб, Н.Ҳайдаровга 10 йил 6 ой, К.Избосаровга 11 йил 6 ой, И.Фармонов ва Ш.Ҳусановга 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Шу ўринда яна бир мисолга эътибор қаратсак, тергов органи томонидан жиноий қилмишлари Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан малакаланган Шоҳжаҳон Мажидов 23, Салоҳиддин Рўзиқулов ва Бобур Наимов 24 ёшда. Ургут туманининг "Жарқишлоқ" маҳалласида яшовчи бу ёшларни ҳам енгил йўл билан бойлик орттириш васаваси жиноят кўчасига етаклаган.

Энг ачинарлиси, С.Рўзиқулов Самарқанд шаҳридаги олий ўқув юртларидан бирининг учинчи босқич талабаси. У жиноят кўчасига кирмаганида, олий маълумотли мутахассис бўлиб етишганида ҳам оиласига, ҳам жамиятга фойда келтирарди. Ш.Мажидов эса, вақтинча ишсиз, уларнинг жиноий шериги Б.Наимов дуппа-дуруст касб эгаси — "Тез тиббий ёрдам бўлими" ҳайдовчиси. Елкаларида рўзғор юки йўқ, бўйдоқ бу ёшлар кутилмаганда бойиб кетиш илинжида ўзларининг ширин турмушини заҳар-заққумга айлантиришди.

Воқеа тафсилотига қисқача тўхталадиган бўлсак, 2020 йилнинг 1 ноябрь куни Тайлоқ тумани ИИБ бошлиғи номига "Акбар" исмли шахс ариза билан мурожаат қилиб, Шоҳжаҳон Мажидов ва Бобир Наимов исмли шахслар гиёҳвандлик моддаси сотишаётганини айтади ва назорат тартибида тезкор тадбир ўтказилса, харидор сифатида иштирок этишини билдиради.

Шундан сўнг ушбу ҳолат юзасидан раҳбарият ИИБ жиноят қидирув бўлими тезкор вакили вазифасида ишлаб келаётган "С.Ҳамдамов"га гиёҳвандлик воситасини назорат тартибида сотиб олиш тезкор тадбирини ўтказишни юклайди. Ушбу тадбирда "С.Ҳамдамов" "Акбар" билан бирга "шартли харидор" сифатида иштирок этиши режалаштирилади.

Гиёҳвандлик воситасини назорат тартибида сотиб олиш учун махсус фонддан 13 минг 400 АҚШ доллари олиниб, икки нафар холис иштирокида ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Хуллас, улар телефон орқали боғланиб, келишувга кўра, туманнинг "Ишчан" маҳалласи ҳудудидаги дашт жойда учрашишади. Бу ерда тадбир иштирокчиларини С.Рўзиқулов билан Ш.Мажидов кутиб туришганди. Пулни кўргач, С.Рўзиқулов қўнғироқ қилиб, кимнидир чақиради. Шундан сўнг чайла томондан жиноят иштирокчиси Б.Наимов юкни олиб келади.

"С.Ҳамдамов" юкни текшириб кўриб, ҳақиқатан ҳам, "опий" гиёҳвандлик моддаси эканини айтади ва ўзи билан олиб келган электрон тарозида ўлчаб кўради: 857,82 грамм тош босади.

— Пул аралашган жойда ҳеч кимга ишониб бўлмайди, — дейди ёлғондакам "С.Ҳамдамов". — Биз турган ер овлоқ, яхшиси катта йўл ёқасида олди-берди қиламиз.

Судланувчилар бу таклифга розилик билдиришади. Катта йўл яқинида уларни вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамда туман ички ишлар бўлими ходимларидан иборат гуруҳ кутиб турганди.

С.Рўзиқулов "С.Ҳамдамов" берган 13 минг 400 АҚШ долларини санаб олиб, чўнтагига солаётган чоғда жиноий шериклари билан бирга ушланди.

Суд ҳукми билан судланувчиларга қонуний ва адолатли жазо тайинланди. С.Рўзиқулов ва Ш.Мажидов 10 йил 6 ойдан, Б.Наимов 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Шу тариқа енгил бойишни кўзлаганларнинг хатти-ҳаракати аянчли якун топди.

**Баҳодир АЛИҚУЛОВ,**
*Самарқанд вилояти суди судьяси*
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Машҳур шахсларнинг мактабда қандай ўқигани кўпчиликни қизиқтириши табиий. Тақдир ғаройиботини қарангки, уларнинг ҳаммаси ҳам ёшлигида аълочи бўлмаган экан. Қуйидаги маълумотлар шу ҳақда.*

*Дунёнинг ишлари*

# Буюклар қандай ўқишган?

### Антон Чехов



Рус мумтоз адабиётининг етук намояндаларидан бири Антон Чехов икки марта синфдан-синфга ўтолмаган. Учинчи синфда математика ва география фанларини ўзлаштира олмагани, бешинчи синфда грек тилидан имтиҳонини топширолмагани сабабли "йиқилган". Қизиғи, буюк ёзувчи умрида "тўрт"дан юқори баҳо ололмаган. Бироқ у тиббиёт институтига киргач, ҳикоялар ёза бошлаган ва кейинчалик ўзининг бетакрор истеъдодини юзага чиқара олган.

### Уинстон Черчилл

Синфнинг энг қолоқ ўқувчиларидан бири бўлган. Унинг уқувсизлигини кўрган муаллимлари "барибир ўргана олмайди", дея қадимги юнон ва лотин тили дарсларига киритишмаган. Черчилнинг адабиёт бўйича Нобель мукофотини олганини эшитган устозлари ҳайратдан ёқа ушлашган.

### Алберт Эйнштейн



Нобель мукофотининг соҳиби бўлган буюк олим мактабда иккита сўзни бир-бирига қўшолмаган. Нисбийлик назариясини яратиб, дунё илм-фанида инқилоб ясаган бу машҳур олимни ўқувчилик пайтида устозлари ақли заиф болалар учун мўлжалланган махсус мактабга юбормоқчи бўлишган.

### Билл Гейтс

Мактабдаги энг истеъдодсиз ўқувчилардан бири эди. Ота-онаси уни рағбатлантириш учун ҳар бир беш баҳога мукофот ваъда қилишган. Бироқ бу чора наф бермаган.

### Лев Толстой



Унинг олий маълумоти бўлмаган. Тўққиз ёшида ота-онасидан ажраган ёш графни васийлари ўз қарамоғига олган ва унинг ўқишига унча эътибор қаратишмаган. Университетнинг иккинчи курсида ўқиётганида немис тили ва тарих фанларини яхши ўзлаштира олмагани учун кейинги курсга ўтказилмаган. Шундан кейин у ўқишни ташлаб кетган.

### Исаак Ньютон

Машҳур олим ёшлигида физика ва математикани жуда ёмон ўзлаштирган. Бошқа фанларни ҳам ёлчитиб ўрганмаган. Умуман, у синфдаги энг сусткаш ўқувчилардан бири бўлган.

### Томас Эдисон



Бўлажак ихтирочи ва миллионер Томас Эдисонга мактабдаги безорилиги ва "икки"чилиги учун ўқитувчилари таълим беришдан бош тортган. Кейин уни уйда онаси ўқитган.

### Александр Пушкин



Ижтимоий фанлардан яхши ўқиган, жуда кўп китоб мутолаа қилган бўлса-да, математикани яхши билмаган. Бу фандан фақат "икки" баҳо олган. Бироқ бу унинг буюк шоир бўлиб етишишига халал бермаган.

### Иосиф Бродский



Адабиёт бўйича Нобель мукофоти соҳиби бўлган машҳур шоир Иосиф Бродскийнинг болалиги иккинчи жаҳон урушидан кейинги оғир даврда кечган. У мактабда жуда ёмон ўқиган. Шу боис бор-йўғи 8-синфни тугатган, холос. Собиқ шўро тузуми "бекорчи" сифатида судлаган шоир кейинчалик АҚШга кўчиб кетган. Бугунги кунда унинг шеърларини бутун дунёда севиб ўқишади.

**Интернет материаллари асосида Ҳумоюн МИРЗО тайёрлади.**

Куч — адолатда

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-615 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7012
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: $22^{00}$. Топширилди: $2^{20}$.